

Ўзбекистон Президенти Европа Иттилоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакилини қабул қилди





Бугун ўтаётган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференция доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Европа комиссияси вице-президенти, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Жозеп Боррельни қабул қилди.

Кўп қиррали Ўзбекистон-ЕИ ҳамкорлигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Жозеп Боррель давлатимиз раҳбарига Европа кенгashi Раиси Шарль Мишель ва Европа комиссияси раҳбари Урсула фон дер Ляйенning саломи ва энг эзгу тилакларини етказди ҳамда Ўзбекистон етакчисининг Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлигини мустаҳкамлаш борасидаги глобал ташаббуси муҳим аҳамиятга эга ва ўз вақтида илгари сурилаётганини таъкидлади.

Учрашувда кейинги йилларда Ўзбекистон ва ЕИ шериклиги жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало инсон капитали ва демократик янгиланишлар, бизнес, инвестиция ва инновацияларни илгари суриш, “яшил” тараққиёт, экология, маданий алмашинув ва бошқа йўналишларда янада кенгайтириш муҳим экани таъкидланди. Ўзбекистон ва Евроттифоқ ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битим бўйича музокаралар якунинга етётгани маълум қилинди.

Халқаро кун тартиби юзасидан ҳам батафсил фикр алмашилди. Афғонистонда тинчлик ўрнатишга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

[**Манба**](#)